ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

403 Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот такдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўгрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2285-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 4 июндаги 149-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, махаллий давлат хокимияти органлари юридик хизматлари фаолиятининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

- 1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 30 ноябрдаги 255-мх-сон буйруги (рўйхат раками 2285, 2011 йил 30 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 48-сон, 497-модда) билан тасдикланган Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот такдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўгрисидаги низомга иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур буйруқ давлат руйхатидан утказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат руйхатидан утказиш бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.



403-модда

- (О. Ҳакимов) Идоравий норматив-хукукий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.
- 3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Ибрагимова) мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ӱзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами» «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.
- 4. Ташкилий-назорат ва тахлил бошқармаси (М. Ишбеков) мазкур идоравий норматив-хуқуқий хужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини таъминласин.
- 5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир ўринбосари

А. УСМАНОВ

Тошкент ш., 2015 йил 29 июль, 246-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 29 июлдаги 246-мх-сон буйругига ИЛОВА

Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот такдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўгрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

- 1. 3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «3. Вазирлик ва худудий адлия органлари ташкилотларда юридик хизмат фаолиятини мувофиклаштириш ва назорат килиш функцияларини амалга ошириш максадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сон «Давлат ва хўжалик бошкаруви органлари, махаллий давлат хокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини хукукий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги карорига асосан ташкилотлар томонидан мазкур Низомга мувофик такдим этиладиган юридик хизматлар ходимлари тўгрисидаги маълумотлардан ташкари, уларнинг юридик хизмати фаолиятига доир бошка тегишли хужжатлар ва маълумотларни сўраб олиш хукукига эга.».
 - 2. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «7. Ташкилотлар ҳар йили 1 июнга қадар тегишли адлия органларига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда юридик хизмат ходимлари, шу жумладан юридик хизматдаги мавжуд вакант ўринлар тўгрисида ахборот такдим этадилар.



30 (686)-сон

Йил давомида юридик хизмат ходимлари тўгрисидаги маълумотлар ўзгарган такдирда (бўшатиш ёки тайинлаш ва бошқалар), ташкилотлар ўн кун муддатда тегишли ахборотни адлия органига юборадилар.

Бунда давлат ва хужалик бошқаруви органлари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари марказий аппаратларининг юридик хизматлари ходимлари туррисидаги ахборот Вазирликка, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий булинмалари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмат ходимлари туррисидаги ахборот эса, ҳудудий адлия органларига тақдим этилади.

Юридик хизмат ходимлари тўгрисидаги ахборотлар, техник имкониятлар мавжуд бўлган такдирда, электрон хужжат шаклида такдим этилади.».

- 3. 8-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
- 4. 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «9. Худудий адлия органлари хар чорак тугагандан кейинги ойнинг 5-санасига қадар вазирликка юридик хизматлар маълумотлари йигма базасига киритиш ва уни мунтазам равишда янгилаб бориш учун ўзлари томонидан юритилган юридик хизматлар маълумотлари худудий базасини электрон кўринишда тақдим этади.».